

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
“ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ” КАФЕДРАСИ

“ ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ” фанидан

Мустақил иш

Мавзу: Банк тизими

Бажарди: СТ-50 гуруҳи талабаси

М.Абдуллаева

Текирди: Н.Хасанхонова

Тошкент 2015

Режа:

1.Банк тизими ва унинг асосий вазифалари.

2.Банкнинг турлари .

3.Банкнинг актив ва пасив операциялари.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Банк тизими ва унинг асосий вазифалари

Кредит, пул қарз бериш икки усулда юз бериши мумкин: биринчиси, бевосита бўлиб, бу қарз берувчи ва қарз олувчи, ўзаро алоқада бўлиши ва бевосита пул қарз олиш йўли ёки насяга мол сотиш йўли билан амалга ошади. Чунки, насяга сотиш мазмунан қарзга беришнинг ўзи. Насяга сотиш ҳам маълум муҳлат ва ҳақ тўлаш асосида юз беради, яъни товар баҳосига устама қўйилиб, товар насяга сотилади. Ривожланган мамлакатларда товар ва то-варлашган хизматларга тўйинган бозор шароитида автомобиль, турар жой, яхта, видео ва бошқа аппаратуралар кабилар кенг миқёсда кредитга сотилади, яъни бўлажак даромад ҳисобига сотилиб, товар ҳақи бўлиб-бўлиб фоиз билан тўланади.

Ўтмишдаги судхўрлик, ҳозирги даврдаги инновацияда молиядаги венчур капиталининг айрим қисмлари ҳам бевосита кредитнинг кўринишларидир.

Иккинчи усул билвосита бўлиб, қарз бериш воситачилик йўли билан, яъни учинчи субъект ёрдамида амалга ошади. Бунда алоҳида кредит ташкилот ва корхоналари юзага келиб, банклар пайдо бўлади. Банклар ҳақиқатдан ҳам кредит вазифаларини ўзида мужассамлаштирган муассасадир.

Банклар кредитдаги икки томонни бир-бирига боғлайди, улар ўртасидаги зарур алоқаларни ўзи бажаради. Бўш пул эгалари ва пулга муҳтожлар банк орқали ўз муаммоларини ҳал қиладилар. Амалда банк фаолияти туфайли бундаги субъектлар банкка пул қўювчи ва қарз олувчиларга айланадилар. Банк пул қўювчиларга фоиз тўласа, пул олувчилардан фоиз олади. Бу фоизлар ўртасидаги фарқ банк даромадини шакллантиради.

Бундан ташқари банклар хазина сақловчи ва қимматбаҳо қоғозлар чиқарувчи бош бўғиндир. Давлат эмиссияси ҳам банк орқали амалга ошади. Шу билан бирга банклар гаровга бойлик қўйиш вазифаси, капитал ва истеъмолчи кредитлари каби вазифаларни ҳам бажаради. Умуман бан-кларнинг кредит, молиялаштириш соҳасидаги фаолияти жуда кенг бўлиб,

бозор иқтисодиётининг шаклланиши ва ривожланиши кўп жиҳатдан банклар фаолиятининг кенг кўламлиги ҳамда банклар тизимининг ривожига боғлиқдир.

Молия бозоридаги операциялар молия муассасалари воситасида амалга оширилади. Бундай муассасаларга турли хил банклар, биржалар, депозитарийлар, суғурта компаниялари, инвестиция фондлари, агентликлар киради.

«Банк» тушунчаси қадимий франсузча *bang* ва *banca* сўзларидан келиб чиққан бўлиб, «сарроф курсиси, дўкони» деган маънони англатади. Бундай тушунча тарихчиларнинг тахминан 2000 йил муқаддам фаолият кўрсатган банкирлар ҳақидаги маълумотларида ҳам мавжуд.

Пул муносабатларининг ривожланиши банкларни юзага келтирган. Банк иқтисодиёт иштирокчиларининг пул юзасидан бўлган алоқаларига хизмат қилувчи институт (муассаса)дир. Пул билан боғлиқ хизматларни кўрсатувчи ташкилотлар кўп, аммо уларнинг марказида банклар туради. Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунида, банк нима, деган саволга қуйидагича жавоб топиш мумкин:

Банк - тижорат ташкилоти бўлиб, банк фаолияти деб ҳисобланадиган фаолият турлари мажмуини амалга оширадиган юридик шахсдир.

Ўзбекистондаги банк тизими Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, акциядорлик-тижорат банклари ва хусусий банклардан иборатдир.

Банклар пул оламини ҳаракатга келтирувчи мотор - юрак, пул билан бўладиган ҳисоб-китобларни амалга оширади. Ҳамма пул тўловлари (трансфертлар) банклар орқали ўтади. Банклар қуйидаги ишларни амалга оширади:

- пул ва қийматли буюмларни омонатга олиб, сақлаб беради;
- пул билан бўладиган ҳисоб-китоб опрецияларини, хусусан, пул тўлаш ишларини бажаради;
- чет эл валютасини сотади ва сотиб олади;

- ўз қўлидаги пулни қайтариш, фоизлилиқ ва муддатлилиқ шарти билан унга (муҳтожларга) қарз (ссуда)га беради, яъни, кредит билан шуғулланади;
- ўз пулига акция сотиб олиб, уни бошқа соҳага жойлаштиради;
- бизнес юзасидан маслаҳат беради ва ҳоказо.

Банк иши пул оламида бўладиган бизнесдир. Банк бизнеси фойда топиш мақсадида юритилади.

Молия ва кредит операцияларининг асосий қисмини қамраб оладиган кредит тизимининг ҳал қилувчи бўғини банк тизимидир. Банклар жуда қадимий ва анча кенг тарқалган кредит муассасалари гуруҳи бўлиб, улар кредит-молия хизматларининг аксариятини бажаради ҳамда моҳиятига кўра, кенг соҳали муассаса ҳисобланади. Банкларнинг анъанавий операциялари тўпланиб қолган маблағларни ҳақ тўлаш, муддатлилиқ, қайтариш шарти билан осудага жалб қилиш, шунингдек, ҳисоб-китобларни амалга оширишдан иборат.

Марказий банкнинг монополлиқ мавқеи унинг мамлакатдаги пул ва пировард натижада иқтисодий барқарорлиқ учун алоҳида жавобгар эканлиги билан чамбарчас боғлиқ. Бундан ташқари, Марказий банк айна пайтда бошқа, жумладан, банкларнинг банки, давлат банки, миллий олтин-валюта захираларини бошқарувчилик вазифаларини ҳам бажаради. Марказий банк ўзининг бутун фаолиятини зиммасида турган вазифаларни сифатли ва самарали адо этадиган даражада уюштиради. Умумий пул ҳўжалиқ айланмасида Марказий банкнинг монополлиқ мавқеи унга пул муомаласини назоратида сақлаб туришга имкон беради, пул миқдори назоратсиз кўпаймаса, унинг харид қобиляти ҳам пасайиб кетмайди.

Бундан ташқари, тижорат банклари Марказий банкда ўз қисқа муддатли ва ўрта муддатли мажбуриятларидан муайян фоиз ҳажмида энг кам захира деб юритиладиган фоизсиз омонатларни сақлашга мажбур.

Марказий банк нақдсиз тўлов айланмасини техник тарзда бажариш учун соф банк хизматларини тақдим этади. Банклар бу хизматлардан

иқтисодиётнинг турли субъектлари ўртасида тўлов айланмасини йўлга қўйиш учун фойдаланади.

Марказий банк банклар фаолиятини назорат қилишда ўзининг минтақавий бўлинмалари орқали кредит муассасаларидан мажбурий равишда ахборот, ойлик ҳисобот ва йиллик якуний баланс маълумотларини тақдим этиш асосида қатнашади.

Кредит муассасаларининг бўйсинишига қараб банк қонунчилиги ҳамда кредит тизимининг пастдан юқорига томон таркибий тузилишига мувофик тарзда банк тизимини икки асосий: бир босқичли ва икки босқичли турга ажратиш мумкин.

Бир босқичли банк тизими доирасида барча кредит муассасалари, жумладан, Марказий банк ҳам, ягона босқичда туради ҳамда мижозларга кредит - ҳисоб хизмати кўрсатишда бир хил вазифаларни бажаради.

Икки босқичли тизимда банклар ўртасидаги ўзаро муносабатлар бўйига (вертикаль) ва энига (горизонталь) йўналишда тузилишига асосланади. Вертикал - раҳбарлик қилувчи, бошқарувчи марказ ҳисобланган Марказий банк билан қуйи бўғинлар - тижорат ва ихтисослашган банклар ўртасидаги бўйсиниш муносабатлари, горизонталь-турли қуйи бўғинлар ўртасидаги тенг ҳуқуқли шериклик муносабатлари тушинилади. Марказий банк фақат мижозларнинг икки тоифаси - тижорат ва ихтисослашган банклар ҳамда давлат тузилмалари учун том маънода Марказий банк бўлиб қолади.

2. Банкнинг турлари

Давлат, хусусий ва жамоа банклари мавжуд. Бунинг асосида мулк шакллари, пул сармоялари манбалари ётади. Давлат банклари ҳазина сақлаш, пул чиқариш, пул муомаласини таъминлаш, молияни тартибга солиш каби вазифаларни бажаради. Давлат банклари марказий деб аталиб, бир тизимни

ташкил этади. Масалан, АҚШда давлат банк тизими 13 минг банкларни ўз ичига олиб, шундан 1/3 қисми миллий ва қолгани штатлар ихтиёридадир. Барча миллий ва штатлардаги энг йирик банклар федерал резерв тизимини ташкил этади. Қолгани бу тизимдан четда бўлиб, фақат 15 фоизи депозитга эгадир. АҚШ нинг «марказий банки» 12 округ федерал резерв банкидан иборат бўлиб, федерал резерв кенгашига бирлашади. Федерал резерв тизими ҳукуматга эмас, балки АҚШ конгрессига итоат этади.

Банклар фаолияти ҳукумат эътиборида бўлади, чунки уларнинг бозор иқтисодиётида тутган ўрни жуда катта.

Шунинг учун ҳам пулнинг вужудга келиш жараёни, банк кредитлари, банкларнинг пайдо бўлиши ва фаолиятлари бозор тизими шароитида ҳукуматнинг эътиборида бўлиши шарт.

Жамоа банклари бирлашмалар, йирик ташкилотлар, кооператив иттифоқлари томонидан ўз фаолиятларини молиялаштириш учун ташкил этилади.

Хусусий банклар миқдорий жиҳатдан асосий бўлиб, улар жуда кўпчиликини ташкил этади ва бозор иқтисодиётида молиявий, кредит вазифаларини бажариб, товар-пул муомаласи ривожига катта таъсир кўрсатади.

Фаолият хусусиятларига кўра банкларнинг хили кўп. Буларнинг асосий қисми **тижорат банкларидир**. Булар бир неча тур банклардан иборат бўлади. Масалан, “Ташқи иқтисодий фаолият банки”, “Миллий банк”, “Халқ банки”, “Пахта банки”, “Асака банк” “/алла банки”, “Саноат-қурилиш банки” кабилар бўлиб, уларнинг ҳудудий бўлимлари ҳам кўп. Буларнинг ичида миллий банк ташқи иқтисодий алоқалар учун хизмат қилса, қолганлари асосан ички бозор, мамлакатнинг товар-пул муомаласи учун хизмат қилади. Янги ташкил этилган халқ банки фуқаролар билан алоқада бўлиб, омонатчилар билан иш олиб боради, аҳолига пул қарз бериш ишларини бажаради. Бу жуда тарқоқ ҳолдаги пул массасини йиғиб, ишга солади ва бундан кенг аҳоли-омонатчиларни манфаатдор қилиб, бўш ётган пулнинг ишлатилишидан келган даромаднинг бир қисмини фоиз ҳисобида тўлайди.

Ҳозир республикада фаолият кўрсатаётган тижорат банкларининг сони 38 та бўлиб, уларнинг активлари 1518,4 млрд. сўмга кўпайди ва 2002 йил 1 январ ҳолатига 3198,8 млрд. сўмни ташкил этди.

Тижорат банклари томонидан Ўзбекистоннинг реал секторини кредитлаш ва инвестиция шаклида молиялаштириш бўйича олиб борилаётган ишлар республикаимиз иқтисодиётини янада юксалишга замин яратмоқда. Хусусан, тижорат банкларнинг иқтисодиёт тури соҳаларини ривожлантиришга йўналтирилган кредит қўйилмалари 2001 йил мобайнида 928,8 млрд. сўмга кўпайиб, 2002 йил 1 январ ҳолатига 1920,1 млрд. сўмни ташкил этди.

Банклар фаолиятидаги энг муҳим томонлардан бири шуки, улар ўз миқдорлари ўртасидаги пул муаммолари, ўзаро тўловлар ва бошқа шунга ўхшаш хизматларни ҳам бажаради. Маълумки, иқтисодий алоқаларни амалга оширишда тўловлар асосий ўрин эгаллаб, товарлар ҳаракати, уларнинг бир эгаликдан иккинчисига ўтишида, яъни такрор ишлаб чиқариш жараёни ишлаб чиқариш ва товар-пул муомаласининг тўхтовсиз ҳаракатини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Чунки, тўловлардаги узилиш маҳсулотлар силжишининг тўхтаб қолишига, иқтисодий алоқаларнинг бузилишига олиб келади. қулай тўлов усуллари кўллаш, миқдорлар ўртасидаги ишончни кучайтириш кўп жиҳатдан банклар иш фаолиятига боғлиқдир.

3. Банкнинг актив ва passив операциялари.

Кредит ресурсларини аккумуляция қилиб кредитлаш билан шугулланадиган махсус корхонани **банк** деб айтадилар. Банк жуда қадимий корхона, ҳатто у Бобилда ҳам бўлган. Банк пайдо бўлишига тиллони тинч, ишончли жойга йиғиш туртки бўлган. Биринчи ювилерлар банкирликни бошлаган. Киши олтинини заргарга берган, у эса коғозга тилхат езиб берган, еки клиент уз тиллосининг 1 қисмини фалончига бер деб ҳужжат (чекнинг протоколи) езиб берган.

Банк операциялари актив ва passив бўлади. Актив операциялари билан банк даромад олади, passив операциялар учун ҳақ тулайди.

Банк тизими марказий банк ва тижорат банкларидан иборат. Марказий банк мамлакатнинг эмиссия банки бўлиб, у давлатга қарайди ва бутун банк тизимини ва мамлакатда пул муомаласини назорат қилади. У банklar банки ҳисобланади.

Тижорат банклари ҳозирги замонда 100 дан ортиқ хизматлар курсатади. Улар мамлакат чегарасидан чиқиб жаҳон миқёсида фаолият курсатадилар. Дуненинг 10 йирик банкининг (1995 йил ҳолати бўйича) энг каттаси инглиз банки (NSBC Holdindz) , иккинчи урин француз банки (Credit Agricolt), учинчи урин Швецария банки (Union Bank) эгаллайди. Шу унталик уринга 5 та япон, 1 немис, 1 америка банки ҳам қиради.

Тижорат банклари универсал еки ихтисослашган бўлади. Банк тизимига ихтисослашган молия кредит институтлари ҳам қиради. Уларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

Пул ҳаракати ва пул маблағлари билан боғлиқ бўлган бозор иқтисодиётидаги муҳим воқеликлардан яна бири кредитдир. Молия ва кредитнинг умумийлиги шундаки, иккови ҳам пул маблағлари билан боғлиқ иқтисодий муносабатлардан иборат. Лекин улар ўртасида муҳим фарқ ҳам мавжуд. Яъни молия хўжалик эгаларининг пуллари билан бўлган муносабатларни ўз ичига олса, кредит қарз пуллар ҳаракати ва уларга боғлиқ муносабатларни билдиради. Молияда пулни ишлатиш эркин ва ҳаражатсиз

амалга ошса, кредитда бу ҳақ тўлаш туфайли ва муҳлати келганда қайтариб бериш шарти билан ишлатиш ҳуқуқига эга бўлинади.

Кредит пулларнинг ҳаракати, айланишда бўлиши бўш, вақтинча ишлатилмай эркин ҳолдаги пуллар мавжудлигидан келиб чиқади. Пул эгалари ихтиёрида вақтинча бўш турган пулларни фоиз билан қайтариш шарти асосида маълум вақт ичида ишлатиш учун олинади. Кўриниб турибдики, кредит қарз берувчи пул эгаси билан қарз оловчи тадбиркор ёки истеъмолчи ўртасида бўладиган алоқадан келиб чиқади. Кредитнинг умумий субъектлари қарз берувчи пулдор ва қарздор тадбиркордир. Бу ерда шуни илова қилиш ўринлики, кредит шахсий истеъмол ёки капитал сифатида фойдаланилиши мумкин. Биз асосан иккинчиси, яъни капитал устида сўз юритамиз.

Шундай қилиб, ҳар қандай пул кредит объекти бўлавермайди, фақат ҳозирча ишлатилмаётган ва вақтинча эгаси қўлида бўш турган пул, қарзга берилиши мумкин бўлган пул кредит объекти бўлиб ҳисобланади. Бундай пул эгалари аҳоли, корхона ва фирмалар, шунингдек, давлат бўлиши мумкин, айтили вақтда қарз оловчилар ҳам айтили шулардир.

Кредитнинг ўзи такрор ишлаб чиқариш жараёнидан келиб чиқадики, айтили вақтда пулга муҳтожлар ҳам кўп бўлади ва шунингдек, пули вақтинча бўш бўлган пул эгалари ҳам кўп бўлади. Масалан, ишлаб чиқариш, товарлар сотилиши вақтида пуллар бўш бўлса, товарлар сотиб олиш, яъни хомашё, материаллар, энергия сотиб олишда, иш ҳақи тўлаш вақтида пуллар кўп керак бўлади. Иқтисодий айланма жараёнида бир вақтда бўш пулни ишлатишни истовчи ва пулга муҳтож ва уни ахтарувчилар мавжуддир. Бундай муаммолар кредит орқали ҳал қилинади. Айтайлик, амортизация ажратмалари, инвестицияга аталган пулларнинг хомашё ва материаллар пулининг йиғилиб бориши, иш ҳақининг маълум вақтдагина тўланиши туфайли йиғилиб бориши кабилар бевосита ишлаб чиқариш жараёнлари билан боғлиқдир. Булардан ташқари аҳолини ижтимоий ҳимоялашга ажратиладиган пуллар ҳам маълум вақт ичида жамғарилиб, сўнгра

ишлатилади. Аҳоли истеъмолида ҳам шундай ҳолатлар бўлади ва маълум қисм даромад жамғарилиб борилади. Давлат молиясида ҳам пул йиғилиши ва вақти-соати келганда сарф этилиши табиийдир. Булар қарз бериш учун, яъни кредит учун манбалар бўлиб ҳисоб-ланадики, улар айна вақтда қарз фондларини шакллантириб боради.

Демак, иқтисодий ҳаётнинг ўзи, пул ресурсларининг ҳаракати, пулларнинг ишлатилишидаги даврийлик қабилар кредитга асос солиб, уни бўш пуллар билан таъминлаб туради. Албатта бу кредитнинг бир томони, яъни кредит бозоридаги таклифнинг шаклланиш жараёнидир. Маълумки, шу билан бирга талаб зарур. Пул мавжуд экан, у доимо айланиб, ҳаракатда бўлар экан, демак, унга доимо муҳтожлик мавжуд бўлади. У пулга бўлган талабни юзага келтиради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: Ўзбекистон, 2010 й.
2. И.А.Каримов. Бизнинг бош мақсадимиз - Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. Т.: "Ўзбекистон", 2005.
3. И.А.Каримов. Иқтисодий эркинлаштириш, ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш - бош йўлимиз. Т.: "Ўзбекистон", 2002.
4. Ш.Шодмонов, У. Гафуров. Бозор иқтисодиёти асослари. Илмий-оммабоп нашр. - Т.: ТДИУ, 2007